Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 13 январь, сешанба • № 5 (22.242).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

МУЗЕЙЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТУБДАН ЯХШИЛАШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ҳудудида қадимдан шаклланган музейлар тизимини янада такомиллаштириш, уларнинг халқнинг маънавий-ахлоқий камолотида тутган ўрнини ошириш, музей фондларида сақланиб келаётга халқимиз бой тарихини, мустақиллигимиз одимларини акс эттирувчи ноёб, нодир экспонатларни авайлаб асраш, ўрганиш, бойитиб бориш, дунёга олиб чиқиш ва тарғиб қилиш, улардан халқимиз онгида миллий ғурур ва ифтихор, истиқлол ва ватанга садоқат туйғуларини қучайтириш йўлида кенг фойдаланиш, музейларни замон талабларига мос юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаб, жаҳон музейшунослиги тажрибаларини қўллашга зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Республикамиздаги Маданият ишлари вазирлиги, бошқа вазирлик ва идораларга тегишли барча турдаги мавжуд музейлар фаолиятини мувофиқлаштириш, қўллаб-қувватлаш ва уларга зарур илмий-услубий ёрдам кўрсатишни таъминлаш мақсадида Маданият ишлари вазирлиги қошида музейларни қўллаб-қувватлаш республика «Ўзбекмузей» жамғармаси ташкил этилсин.

Давлат органлари ва жамоат ташкилотлари ҳамда турли муассасалар, шунингдек, хорижий ташкилотлар жамғарма ҳаммуассислари бўлиши мумкинлиги инобатга олинсин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги жамғарма низомини белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказсин.

2. «Ўзбекмузей» фаолиятининг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

музейларда ўзбек халқининг бой маданий мероси, унинг инсоният тарихидаги ўрни, тараққиёт босқичларини ҳаққоний акс эттириш ҳамда замонавий ривожланиш истиқболларини чуқур ўрганиб, миллий мустақиллик ғояларига мос экспозициялар яратиш, музейшуносликда умуммиллий сиёсатнинг амалга оширилишини таъминлаш;

мамлакатимиз фуқароларини чет элларда сақланаётган тарихимизга оид осори-атиқалар билан кенг таништириш ҳамда музейларимиздаги ноёб экспонатлар орқали халқ онгида умумбашарий қадриятларга, улкан ва бой миллий-маданий меросимизга ҳурмат-эҳтиром, ватанимизнинг буюк келажагига комил ишонч туйғуларини тарбиялаш;

музейшунослик соҳасида халқаро алоқаларни, ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантириш, Ўзбекистонда ва хорижда кенг кўргазма фаолияти орқали мамлакатимизнинг бой тарихи, бугунги ютуқларини дунё жамоатчилигига танитиш, музейларда сақланаётган ноёб экспонатларни жаҳон миқёсида тарғиб этиш;

ҳудудий, идоравий буйсунушидан ва мулкчилик шаклидан қатъи назар музей фаолияти билан шуғулланувчи барча ташкилотлар ишини мувофиқлаштириш, уларга илмий-услубий раҳбарлик қилиш, илмий муассасаларни музейшуносликни ривожлантиришда фаол иштирок этишга жалб қилиш;

музейлар фондидаги экспонатларнинг ягона рўйхатини юритиш, уларнинг муҳофаза шароитларини доимий, қатъий назоратга олиш, бу соҳада тегишли меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва бажарилишини таъминлаш;

музейшуносликка замонавий техник воситаларни татбиқ этиш, улардан самарали фойдаланишга оид дастурлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишга кўмаклашиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Фанлар академияси, Бадиий академияси, «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси ҳамда тегишли вазирлик ва ҳокимликлар билан биргаликда:

икки ой муддатда мамлакатимиздаги музейлар фаолиятини янада яхшилаш ва такомиллаштиришнинг илмий концепциясини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

Бир ой муддатда мустақил Ўзбекистоннинг тарихи ва бугунги кунини тарғиб-ташвиқ қилишдаги алоҳида аҳамиятини эътиборга олиб, Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Темурийлар тарихи давлат музейи, Халқ амалий санъати музейи, Ўзбекистон давлат санъат музейи, Самарқанд, Бухоро, Хива, Фарғона давлат музей-қўриқхоналарининг ривожланиши ва молиявий таъминоти бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқсин.

Дастурни амалга оширишни мувофиқлаштириш «Ўзбекмузей» жамғармаси зиммасига юклансин.

Тегишли ташкилот, муассасаларнинг ушбу музейларга ҳомийлик қилиш ҳақидаги таклифлари эътиборга олинсин.

4. Адлия, Маданият ишлари вазирликлари давлат Божхона қўмитаси, Фанлар академияси ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда ноёб маданий бойликларни сақлаш, мамлакатдан олиб чиқиш, мамлакатга олиб кириш ва шу масалалар билан боғлиқ бўлган бошқа муносабатларни тартибга солувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин.

5. Ноёб маданий бойликларни сақлаш, мамлакатдан олиб чиқиш, мамлакатга олиб кириш ва бошқа масалалар билан боғлиқ бутун масъулият Маданият ишлари вазирлиги (Х. Жўраев), Фанлар академияси (Т. Жўраев), Ички ишлар вазирлиги (З. Алматов), Давлат божхона қўмитаси (Ў. Комилов), Ташқи ишлар вазирлиги (А. Комилов) ва Миллий хавфсизлик хизмати (Р. Иноятов) зиммасига юклансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Бадиий академияси ва Давлат матбуот қўмитаси мамлакатимиз аҳолисининг музейшунослик маданиятини ошириш, уларни меросимиз ва қадриятларимиздан хабардор қилиб бориш ҳамда мутахассислар, музей ходимларининг музейшунослик соҳасидаги илмий ишларини чоп этиш, бу соҳадаги ютуқларни тарғиб қилиш, музей ходимларининг касбий малакасини ошириш мақсадида уч ойда бир марта ўзбек, инглиз ва рус тилларида чоп этиладиган илмий-амалий маънавий-маърифий, рангли «Мозийдан садо» журналини таъсис этсинлар.

7. «Ўзбекмузей», унинг бўлим ва корхоналари, музейларнинг асосий ва қўшимча фаолиятидан олинадиган даромадлари 5 йил муддатга барча турдаги давлат солиқларидан, божхона ва бошқа тўловлардан озод этилсин.

Соликдан озод этилиши натижасида йиғилган маблағларнинг соҳани янада риволантиришга, унинг моддий-техник негизини мустаҳкамлашга, шунингдек, ходимларни ижтимоий-иқтисодий муҳофаза қилиш ишларига сарфланиши назарда тутилсин.

Турли ташкилот ва ҳомийларнинг даромаддан тўлайдиган солиқ бўйича базаси уларнинг музейлар фаолиятини яхшилаш учун ўтказадиган пул маблағлари миқдорига монанд қисқартирилиши белгилаб қўйилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва Молия вазирликлари Маданият ишлари вазирлиги билан биргаликда музей ходимларини ижтимоий ҳимоялаш ва ойлик маошларини ошириш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиб, бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

9. Ўзбектуризм» миллий компанияси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда етакчи музей ва қўриқхоналарни ўз ичига олган махсус халқаро туристик йўналишлар (турлар) ташкил этсинлар ҳамда уларга хорижий сайёҳларни жалб этиш юзасидан зарур тадбирларни амалга оширсинлар.

10. Музейларнинг давлат ҳамда маҳаллий бюджетлардан маблағ билан таъминланишининг амалдаги тартиби сақлаб қолинсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Маданият ишлари вазирлиги билан биргаликда музей иншоотларини қуриш ва тўлиқ таъмирлаш ҳамда уларни замонавий жиҳозлаш учун зарур бўлган техника воситаларини сотиб олиш ва Фармонда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун зарур маблағларни 1998-1999 йилларда ажратсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига зарур ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда ушбу Фармоннинг бажарилишини таъминлаш юзасидан тегишли қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1998 йил 12 январь.

ВАТАН ХАРИТАСИ

Республика Вазирлар Маҳкамасида буюк муҳаддис Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллиги, қомусий аллома Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлди. Уни Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, мазкур ташкилий қўмита раиси И. Жўрабеков бошқарди.

Ҳадис илмининг равнақига беқиёс ҳисса қўшган улуғ муҳаддис Имом ал-Бухорий ва дунёга буюк математик, географ, физик сифатида танилган Аҳмад ал-Фарғонийларнинг юбилей тантаналари шу йил октябрь ойида нишонланиши таъкидланди. Мамлакатимизда унга тайёргарлик кўриш қизғин авж олдириб юборилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари Ў. Раҳматов, В. Норов, Р. Баҳодиров, Бош вазир ўринбосарлари А. Азизхўжаев, Р. Юнусов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов иштирок этди.

***

Ўзбекистон Бадиий академияси ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги буюк мусаввир Камолиддин Беҳзод меъморий боғини барпо этиш лойиҳаси учун очиқ танлов эълон қилди.

Мазкур боғ пойтахтнинг Шароф Рашидов шоҳкўчасидаги 40-бинога туташ хиёбонда бунёд этилади.

Танлов икки босқичда ўтказилади.

Лойиҳалар Тошкент шаҳри, Ш. Рашидов шоҳкўчаси, 40-уйда қабул қилинади.

Қолибларни катта мукофотлар кутмоқда.

***

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 13 январдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қийматини белгилади:

1 АҚШ доллари 80 сўм 63 тийин миқдорида белгиланди.

***

Тошкент вилоятининг Олмалиқ шаҳрида вилоят товар ишлаб чиқарувчиларининг анъанавий савдо кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасида умумий ҳажми 151 миллион сўмлик 200 дан зиёд шартнома имзоланди.

Эртага — Ватан ҳимоячилари куни

ЮРТИМ ТАЯНЧЛАРИ

Қўшиқ

Янграб турсин ҳарбий соз,
Қадам боссанг, қатъий бос!
Кўп анграйма қизларга,
Қуролингга қўй ихлос.
Ўнгда тоғлар, чапда сой,
Йўлда қизлар гапга бой.
Ҳар бир жангчи Алпомиш,
Ҳар қиз бўлсин Барчиной.
Бир, икки, уч, тўрт,
Қадамларни босгин зўр!

Авайласанг ўртоқни,
Ҳеч ким билмас чарчоқни.
Жангчи бўлсанг, ботир бўл,
Хизмат севмас алдоқни!
Ишинг чала қолмасин,
Ошинг чала қолмасин.
Раҳматнома олмаган
Ҳеч бир бола қолмасин.
Бир, икки, уч, тўрт,
Қадамларни босгин зўр!

Бос олға, мудрама,
Оёғингни судрама.
Уялтирма дўстларни,
Командирни ўртама.
Мен жангчиман, сен жангчи,
Кўнгилларнинг йўқ ранжи.
Ватан асло эгмас бош,
Бизлар бўлсак таянчи.
Бир, икки, уч, тўрт,
Қадамларинг бўлсин зўр!

Ҳусниддин ШАРИПОВ.

Менда таклиф бор

ПУЛ СЎРАШДАН УЯЛЯПМИЗ

Ҳар куни мактабга кетиш олдидан опам, укам ва мен ота-онамдан пул оламиз. Сабаби, уйимиздан йироқроқ мактабда ўқиймиз. Йўл ҳақи дегандай. Шаҳар транспортига етти ёшдан юқори болалар йўл ҳақи тўлаши шарт. Метро ҳам бундан мустасно эмас...

Талабаларга яхши. Улар стипендия олишади. Ўқувчиларнинг эса кўпчилиги ишламайди. Мен ҳам у-бу ишларни қилиб ота-онамга жабр қилмайин десам, улар: «Йўқ сенинг вазифанг ўқиш» дейди. Шунақа гаплар.

Тунов куни мактабимиз ёнидаги бекатда укам автобусдан туша солиб қочиб қолди. Кондуктор опа орқасидан ўшқирди. Кейин укамга танбеҳ берсам, у йўл ҳақига берилган пулга ручка билан сақич олмоқчи бўлган экан. Шунинг учун таклифим ўқувчиларга ҳам шаҳар транспортида бепул юришга имтиёз яратилса...

Маъруф ЭРКИНОВ,
Тошкент шаҳри.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

Россия ҳукумати раиси Виктор Черномирдиннинг Туркманистонга бугун бошланадиган сафари давомида Каспий денгизи атрофидаги ҳудудларда ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинади.

* * *

«Интернет» ахборот тизимининг хабарларига кўра толиблар мана бир ойдан бери мухолифатдаги шимолий иттифоқ вакили Абдулла Боқи Туркистонийни уй қамоғида ушлаб туришибди. Бу ҳақда генерал Абдул Рашид Дўстумга қарашли «Жумбиши миллий» ҳаракати вакили хабар берди. Туркистоний декабрь ойи бошларида ҳарбий асирларни алмаштириш шартларини муҳокама қилиш учун Қандаҳорга келган эди. Бироқ толиблар уни гаровда ушлаб туришибди. Бинобарин, Дўстум кейинги пайтларда икки юздан зиёд толибончини асирликдан озод этган эди.

* * *

АҚШ мудофаа вазири Уильям Коэн Вашингтон Осиё қитъасида хавфсизликни таъминлаш бўйича кўп томонлама ҳамкорликка интилмоқда, деди.

* * *

Покистоннинг Лоҳур шаҳрида амалга оширилган қўпорувчилик ҳаракати натижасида 20 дан ортиқ киши ҳалок бўлди.

* * *

АҚШ махсус хизмати вакиллари турли давлатларнинг банкларида Покистоннинг собиқ бош вазири Беназир Бхуттонинг кам дегганда бир ярим миллиард доллар маблағи сақланаётганлигини аниқлашди.

* * *

Хитойнинг Хэбэй вилоятида юз берган кучли зилзила натижасида 50 киши ҳалок бўлди ва 11 минг киши жароҳатланди.

Бозор сабоқлари

САНАЦИЯ НИМА?

САНАЦИЯ НИМАЛИГИНИ БАЪЗИ ЖОЙЛАРДА, ҲАТТО ДАҲЛДОР КИШИЛАР ТЎЛИҚ АНГЛАБ ЕТИШМАЯПТИ

ИҚТИСОДИЙ НОЧОР ХЎЖАЛИКНИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ МОЛИЯВИЙ СОҒЛОМЛАШТИРИШ МУМКИН? САНАЦИЯ ҚИЛИШ ОРҚАЛИ

САНАЦИЯНИНГ МОҲИЯТИНИ ҲАР БИР ДЕҲҚОН ТУШУНСАГИНА МАҚСАДГА ЭРИШИЛАДИ

ЗАРАР КЎРИШ САБАБЛАРИ СИНЧИКЛАБ ЎРГАНИЛИШИ, МОДДИЙ МАНФААТДОРЛИК ОМИЛЛАРИ ТЎЛИҚ ИШГА СОЛИНИШИ КЕРАК

«Санация нима?» деган саволни турли касб эгаларига бериб кўрдик.

Тижоратчи:

— Ким билсин, қандайдир янги нарсадир-да. Бозор туфайли тилимизга антиқа сўзлар кириб келяпти-ку!..

Ўқитувчи:

— Санавиация дедингизми? Э, санация... Дарсликда бунақа сўз йўқ. Назаримда, даволаш билан боғлиқ ибора бўлса керак.

Маданият ходими:

— Эшитмаган эканман. Ҳуқуқ-тартибот соҳасида ишлатиладиган сўзга ўхшайди. Санкция сўзига ҳамоҳанг экан.

Журналист:

— Мен аввалига бу сўзни банкротлик маъносида тушунибман. Негаки, бир ҳамкасбим эшиттириш пайти «Фалонта хўжалик санацияга учради» деб айтганди-да. Суриштириб кўрсам, мутлақо бошқа маъно бераркан. Бир сўзда айтиб бўлмайди.

Кичик сўровимизда энг ошиб тушгани масъул бир идорада ишлайдиган ходимнинг жавоби бўлди. У эгаллаган лавозимига кўра, санациянинг жорий этилишини... назорат қилишга даъват этилган. Шу одам тап тортмасдан:

— Ростданам, нима ўзи санация? Яқинда шу масала бўйича йиғилиш ҳам ўтказилувди-ку, — деса бўладими.

Ана холос! Наҳот атрофимизда руй бераётган воқеаларга шунчалик бефарқ бўлиб қолдик. Атрофдаги воқеаларни кўйиб турайлик, ўзимиз бевосита даҳлдор бўлган, тақдиримизга таъсир қиладиган янги даврга хос ишларнинг маъзини нақиб кўришга ҳафсала қилмасак-а?! Ахир, қишлоқ хўжалик корхоналарини санация қилиш масалалари бўйича ҳукумат комиссияси ташкил этилиб, унинг қарорига кўра, мамлакатимизда 104 та хўжалик санациялаш учун белгиланди-ку?! Шунча хўжалик қамровини тасаввур этишимиз учун ушбу рақамларга назар ташлайлик: санацияга тушган хўжаликлар ихтиёрида 108 минг гектардан зиёд пахта майдони, 98 минг гектардан ортиқ ғаллазор бор. Шунча ерда неча юз минглаб одам ишлайди, шунча ерда миллионлаб кишиларнинг ризқу насибаси етиштирилади.

Халқимизда «ўтириб қолди» деган ибора бор. Ҳосил олиш учун сарфланган харажатлари даромадларидан ошиб тушган, бошқа ташкилотлардан олган қарзини тўлашга қурби келмай қолган, банкдан кўтарган ссудаларини қайтара олмаётган, эл қатори солиқ беришга мажоли қолмаган хўжаликнинг ҳолатини шу таъриф билан ифодалаш мумкин.

Иқтисодчилар тилида бундай субъектлар иқтисодий жиҳатдан ночор корхона деб аталади. Бозор муносабатлари шаклланаётган бугунги кунда бундай корхона ҳамманинг оёғига тушов бўлади. Хуллас, бу аҳволда яшаш ҳеч қайсимизни қониқтирмайди. Ҳозирги вазифа ўтириб қолган корхонанинг «икки тирсаги» ва «бели»дан беозор ушлаб оёққа турғазиш, сўнг катта йўлга чиқариб қўйишдан иборат. Хўш, бу мақсадга эришиш учун нима қилиш керак? Бунинг учун, яъни хўжаликнинг молиявий аҳволини соғломлаштириш учун бир эмас, икки эмас, жуда кўплаб чора-тадбирлар — бажарилиши керак бўлган юмушлар белгиланади. Санация деганимиз шу. Худди шу санация раҳбар ва мутахассисни ҳам, тақдирини далага боғлаган деҳқонни ҳам бозор иқтисодиёти қонунлари билан яшашга ўргатади.

Яширишнинг ҳожати йўқ, айрим хўжалик раҳбарлари санациянинг моҳиятини ҳали-ҳанузгача англаб етмаяптилар. Улар санацияни давлатнинг хўжаликка кўрсатаётган ҳиммати деб ўйлаб, эллик миллион, юз миллион сўм маблағ сўраб комиссияга, тегишли идораларга мурожаат қилишяпти. Раҳбарки санациянинг асл мақсадини тушуниб етмаса, оддий деҳқондан нимани кутиш мумкин?! Лекин санациянинг зарурий талабларидан бири хўжаликни юритишда иштирок этаётган ҳар бир аъзо олдинда турган мақсадни аниқ-тиниқ тушуниши, шунга мос равишда жон-жаҳди билан ҳаракат қилиши шарт.

Президентимиз Олий Мажлиснинг ўнинчи сессиясида сўзлаган нутқида кўпгина раҳбарлар бугун ҳам ўтмишнинг номақбул ўлчови билан ёндашишаётганлигини, шуларнинг оқибатида кейинги йилларда паст рентабелли ва зарар кўраётган қишлоқ хўжалик корхоналари сони қисқариш ўрнига тобора ошиб бораётганини алоҳида таъкидладилар. Шу маънода қишлоқ хўжалик корхоналарини санация қилиш масаласини кечиктирмай ҳал қилиш зарурлигини уқтирдилар.

Санация қилиш масалалари бўйича ҳукумат комиссияси жойларда молиявий ҳолатни ўрганиб чиқиб, 104 та хўжаликда ана шу тадбирни ўтказишга қарор қилди. Энди мазкур қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ҳар бир қадамига алоҳида баҳо берилади. Уларга асосан туман ҳокими тавсияси, санация комиссияси қарори билан тайинланган, тегишли таклиф «чиғириғи»дан ўтган ташқи бошқарувчи раҳбарлик қилади.

Ташқи бошқарув санация қилиниши лозим деб топилган хўжалик фаолиятини бошқаришнинг шундай ташкил этиш усули бўлиб, уни бошқариш ва мулкни тасарруф этиш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар тайинланган ташқи бошқарувчига ўтади. Ташқи бошқарувчи раҳбарлик ва ижро органлари ваколатига эга бўлади. Халқона тилда айтганда, ташқи бошқарувчи ўша хўжаликнинг уволисавобига жавобгардир. Санацияга тушган хўжалик тақдирига ташқи бошқарувчи билан бирга туман ҳокими ҳам жавоб беради.

Санация қилинаётган хўжаликнинг бошқалардан қандай фарқи бор? Масала тушунарли бўлиши учун саволни шундай қўйиб кўрайлик. Агарки, молиявий соғломлаштириш учун 24 ойгача муддат (баъзилар буни бир йилда уддалаши мумкин) белгиланган экан, шу даврнинг ҳар уч ойида хўжалик фаолиятига баҳо бериб борилади. Яъни кўзланган мақсад йўлидан озгина қийғайишлар ҳам кўрсатиб берилади ва, табиийки, бартараф этиш талаб қилинади. Молиявий аҳволни яхшилаш учун хизмат қиладиган ҳар қандай ҳаракат, агар белгиланган тартиб-қоидага хилоф бўлмаса, маъқулланади.

Корхоналарни санациялаш икки хил шаклда: давлат маблағлари иштирокида ёки давлат маблағлари иштирокисиз амалга оширилади. Санацияга давлат маблағлари фақат қайтарилиш шарти билан жалб этилади. Корхона бюджетга маблағларни санация тугаллангандан кейинги икки йил мобайнида ҳар ойда тенг улушда фоиз (пеня) тўловларисиз қайтариб боради. Бунда қарзлар ўзаро ҳисобга олинади, тўлаш муддати ўтиб кетган қарзлар тўлиқ ёки қисман сотиб олинади, солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлаш санация муддатига узайтирилади, ишлаб чиқариш рақобатбардош маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) чиқарадиган қилиб ўзгартирилади, менежмент, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, маркетинг ва қишлоқ хўжалиги бўйича юқори малакали мутахассислар четдан жалб қилинади, ходимлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш йўлга қўйилади.

Давлат маблағлари иштирокисиз санация қилинганда корхонанинг тўловга қодирлигини тиклаш ва унинг фаолиятини давом эттиришдан манфаатдор бўлган юридик ва жисмоний шахслар томонидан молиявий ёрдам кўрсатилади, қарздор ва кредиторлар ўртасида корхона фаолиятини давом эттириш учун кредиторларга тегишли тўлов муддатини кечиктириш ва (ёки) уларни бўлиб-бўлиб тўлаш ёки қарзлардан чегириш тўғрисида келишувга эришишга қаратилган битим тузилади. Хўжалик раҳбарлари иккинчи шаклдаги санациялашга эътиборни қаратсалар маъқул иш бўлади. Бунинг учун қишлоқ хўжалик корхонаси ихтиёридаги жамики мулкни бирма-бир ҳисобга олиш, қайсинисини қолдириш, қай бирини сотиш лозимлигини аниқлаш зарур. Негаки, жойларда тўғридан-тўғри маҳсулот етиштиришга хизмат қилмайдиган, лекин ўша маҳсулот таннархига қўшиладиган ҳаражатлар кўпайиб кетган. Ҳозир ҳам қанчадан-қанча маданий-маърифий объектлар, чойхона, боғча, мактаб каби бинолар ўша жойдаги хўжалик балансида турибди. Уларни белгиланган тартибга мувофиқ ҳокимликлар тасарруфига ўтказиш, бошқа юридик шахсларга сотиш керак, ўшанда хўжаликнинг юки енгиллашади, демак, харажат камаяди. Техника воситаларини инвентаризация қилганда ҳам ҳар бир ҳолатда шу мулк хўжаликка зарурми-йўқми, деган саволни қўйиш, нокерак бўлса сотиш тавсия қилинади.

Албатта, барча хўжаликларда учрайдиган ҳолатларни тўлиқ кўзда тутиш мушкул. Лекин зарар кўриб ишлаётган корхоналар учун муштарак, ўшаларга хос жиҳатлар борки, уларни ҳисобга олиш зарур. Инвентаризациядан ташқари, зарар кўришнинг асл сабабларини ўрганиш деган муҳим тадбир борки, бу юмушни тиббиётдаги ташхис қўйиш билан тенглаштирса бўлади. Хўш, хўжаликда кейинги йилларда агротехника тадбирлари ўз вақтида бажарилганми? Тупроқнинг унумдорлиги қай ҳолатда? Уруғлик сифати-чи? Деҳқон яхши ишлашдан манфаатдорми? Белгиланган тартиб бўйича санация ўтказиш режасида барча кредиторлар талабларининг улар билан келишилган муддатларда қондирилишини таъминлаш мажбурияти, санация назарда тутилаётган давом этиш муддати, маблағларнинг қайтарилиш шартлари ва муддатлари, қатнашчилар ўртасида кредиторлар олдидаги жавобгарликнинг тақсимланиши, санация қатнашчиларининг санация бошланганидан кейин унда қатнашиши рад этилган тақдирдаги жавобгарлиги аниқ кўрсатилади. Бу режа худудий бошқармага топширилади ва у ўн кун ичида экспертизадан ўтказади. Бир нечта режа тақдим этилса, худудий бошқарма корхона учун энг мақбул режани аниқлайди ва тасдиқлайди. Экспертиза хулосаси қишлоқ хўжалик корхоналарини санация қилиш масалаларини бўйича минтақавий комиссия муҳокамасига топширилади. Минтақавий комиссия ҳужжатларни ўн кун мобайнида кўриб чиқиб, санация ўтказиш режасини тасдиқлаш учун ҳукумат комиссиясига тақдим этади. Санация давлат маблағларини жалб этмасдан туриб бажариладиган бўлса, режа минтақавий комиссия томонидан тасдиқланади.

Санациянинг аҳамиятини ҳар бир киши тўлиқ ҳис этмоғи керак. Иқтисодиётда иқтисодий ночор, яъни «касал» корхоналар сони қанчалик кўп бўлса, уларнинг молиявий жиҳатдан соғлом корхоналарга ўз хасталигини юқтириш хавфи шунча юқори.

Қисқаси, бозор иқтисодиёти даврининг янги йўналиши — зарар кўриб ишлаётган хўжаликларнинг молиявий аҳволини ўнглашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи биринчи йилиёқ ўз самарасини бериши керак. Бу маҳаллий ҳокимият ходимларидан тортиб оддий деҳқонгача ўз вазифасини қанчалик ҳис этишига боғлиқ.

Шуҳрат ЖАББОРОВ,
иқтисодий шарҳловчи.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1-модда. Оммавий ахборот воситалари

Газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар, ахборот агентликлари, телевидение (кабелли, эфир-кабелли телевидение) ва радиоэшиттиришлар, ҳужжатли кино, электрон ахборот тизими, шунингдек доимий номга эга бўлган, давлат тасарруфидаги, мустақил ва бошқа оммавий даврий нашрлар оммавий ахборот воситаларидир.

Оммавий ахборот воситалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иловалар нашр этиши мумкин.

2-модда. Оммавий ахборот воситалари эркинлиги

Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситалари эркин бўлиб, улар Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, ушбу Қонунга ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолият кўрсатади.

Оммавий ахборот воситалари ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқидан фойдаланадилар ҳамда ўзлари эълон қилаётган ахборотнинг тўғрилиги ва ҳаққонийлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

3-модда. Сўз эркинлиги

Ҳар ким оммавий ахборот воситаларида чиқиш, ўз фикри ва эътиқодини ошкора баён этиш ҳуқуқига эгадир.

4-модда. Цензурага йўл қўйилмаслиги

Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситаларини цензура қилишга йўл қўйилмайди. Эълон қилинаётган хабарлар ёки материаллар олдиндан келишиб олинишини, шунингдек уларнинг матни ўзгартирилишини ёки бутунлай нашрдан олиб қолинишини (эфирга берилмаслигини) талаб қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

5-модда. Оммавий ахборот воситаларининг тили

Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситалари ўз фаолиятини «Давлат тили ҳақида»ги Қонунга мувофиқ амалга оширади.

6-модда. Оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда суиистеъмолларга йўл қўйилмаслиги

Оммавий ахборот воситаларидан Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват қилиш, уруш ва зўравонликни, шафқатсизликни, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб этиш, давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган ўзга сирни ошкор этиш, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўйилмайди.

Оммавий ахборот воситалари орқали фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматини таҳқирлаш, уларнинг шахсий ҳаётига аралашиш тақиқланади.

Прокурор, терговчи ёки суриштирувчининг ёзма рухсатисиз дастлабки тергов материалларини эълон қилиш, муайян иш бўйича суд қарори чиқмасдан туриб ёки суднинг ҳал қилув қарори ёхуд ҳукми қонуний кучга кирмай туриб, унинг натижаларини тахмин қилиш ёки судга ўзгача йўл билан таъсир кўрсатиш, номини кўрсатмаслик шарти билан маълумот берган шахснинг номини ошкор қилиш (суд ошкор этишни талаб қиладиган ҳоллар бундан мустасно) тақиқланади.

7-модда. Оммавий ахборот воситасининг таҳририяти

Оммавий ахборот воситасининг таҳририяти муассис томонидан тузилади ҳамда ушбу Қонун, бошқа қонун ҳужжатлари, ўз устави (низоми) асосида иш олиб боради.

8-модда. Таҳририят ходими

Таҳририят ходими деганда таҳририят штатида турувчи ва материаллар тўплаш, уларни таҳлил ҳамда таҳрир қилиш, тайёрлаш билан шуғулланувчи шахс тушунилади.

9-модда. Журналистик текширув

Таҳририят ходими мурожаатлардан ёки бошқа манбалардан ўзига маълум бўлган ёхуд ўзи гувоҳ бўлган муайян воқеа, ҳолат юзасидан журналистик текширув ўтказишга, фактларни, гувоҳлик кўрсатмаларини тўплашда аудио ва видео техникадан фойдаланишга ҳақли. Журналистик текширув тергов ва суд жараёнига таъсир ўтказмаслиги керак.

Таҳририят ходими муайян воқеа ёки ҳолатга нисбатан шахсий фикрини оммавий ахборот воситаларида эълон қилишга, агар воқеа ёки ҳолат юзасидан тергов тугамаган бўлса, суднинг ҳал қилув қарори ёки ҳукми қонуний кучга кирганидан сўнг журналистик тахминларини шахсий мулоҳаза тарзида эълон қилишга ҳақлидир.

10-модда. Ахборот манбаини ошкор этмаслик

Оммавий ахборот воситаси хабар, маълумот, факт ёки далиллар тақдим этган манбанинг ёки тахаллусини кўйган муаллифнинг номини уларнинг ёзма розилигисиз ошкор этишга ҳақли эмас.

Оммавий ахборот воситаси ахборот манбаининг ёки тахаллусини қўйган муаллифнинг илтимосига биноан судда унинг номидан иштирок этиши мумкин.

11-модда. Оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ҳуқуқи

Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ҳуқуқига эгадирлар. Оммавий ахборот воситаси бир неча муассис томонидан ҳам таъсис этилиши мумкин.

12-модда. Оммавий ахборот воситаларини рўйхатга олиш

Таҳририят рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисида гувоҳнома олинганидан кейин фаолият бошлаши мумкин.

Оммавий ахборот воситаларини рўйхатга олиш тўғрисидаги ариза Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ваколат берган давлат органига белгиланган тартибда муассис томонидан топширилади.

Рўйхатга олиш тўғрисидаги ариза топширилган кундан бошлаб бир ой муддат ичида кўриб чиқилиши шарт.

Оммавий ахборот воситасини чиқаришга киришиш ҳуқуқи гувоҳнома олинган кундан бошлаб уч ой давомида сақланиб туради. Белгиланган муддат ичида оммавий ахборот воситасининг бирорта ҳам сони (дастури) эълон қилинмаган тақдирда рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади.

13-модда. Оммавий ахборот воситаларини рўйхатга олиш тўғрисидаги ариза

Рўйхатга олиш тўғрисидаги аризада оммавий ахборот воситасининг:

1) муассиси (муассислари);

2) номи, қайси тилда (тилларда) эълон қилиниши, манзили;

3) мақсад ва вазифалари;

4) қандай доирадаги ўқувчига (томошабинга, тингловчига) мўлжалланганлиги;

5) даврийлиги, ҳажми, моддий-техника таъминоти ҳамда пул билан таъминланиш манбалари кўрсатилиши керак.

Кўрсатилган маълумотларда ўзгариш бўлса, оммавий ахборот воситаси белгиланган тартибда қайта рўйхатдан ўтказилиши шарт. Ўзгартишлар жиддий бўлмаган ҳолларда рўйхатга олувчи орган оммавий ахборот воситасини қайта рўйхатдан ўтказиш шарт эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Рўйхатга олиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш учун ҳақ қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартиб ва миқдорларда ундирилади.

14-модда. Ахборотни рўйхатдан ўтказмаган ҳолда тарқатиш

Ўзларининг норматив ҳужжатлари ёки ўзга ҳужжатларни расмий нашрларда, ахборотномалар, бюллетенларда чиқарувчи давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, шунингдек ўз фаолиятлари учун зарур бўлган ахборот материалларини ҳамда ҳужжатларни чиқарувчи корхоналар, муассасалар, ташкилотлар (шу жумладан ўқув ва илмий муассасалар) ахборотни рўйхатдан ўтказмаган ҳолда тарқатиш ҳуқуқига эгадирлар.

Оммавий тарқатишга мўлжалланмаган ёки кўлёзма тарзида кўпайтириладиган босма, видео ва аудиовизуал маҳсулотни техникавий воситалар ёрдамида тайёрлаш ишларини, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, рўйхатдан ўтказиш талаб қилинмайди.

15-модда. Оммавий ахборот воситасини рўйхатга олишни рад этиш

Оммавий ахборот воситасини рўйхатга олиш қуйидаги ҳолларда рад этилиши мумкин:

1) оммавий ахборот воситасининг мақсад ва вазифалари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ҳамда ушбу Қонунга зид бўлса;

2) бундан аввал худди шу номдаги оммавий ахборот воситаси рўйхатга олинган бўлса;

3) ариза суднинг оммавий ахборот воситаси фаолиятини тугатиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганига бир йил тўлмай берилган бўлса;

4) оммавий ахборот воситаси муассисининг ёки муассисларидан бирининг ёхуд ноширнинг манзили Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида жойлашган бўлса.

Оммавий ахборот воситасини рўйхатга олиш рад этилган тақдирда бунга асос бўлган сабаб кўрсатилган ҳолда аризачига ёзма маълумот юборилади.

16-модда. Оммавий ахборот воситасини чиқаришни ёки нашр этишни тугатиш

Оммавий ахборот воситасини чиқариш ёки нашр этиш муассиснинг ёки оммавий ахборот воситасини рўйхатга олган органнинг ёхуд суднинг қарори билан тугатилиши мумкин.

Муассис оммавий ахборот воситасини чиқаришни ёки нашр этишни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда муҳаррир (бош муҳаррир) ёки таҳририят ходими ушбу Қонуннинг 9-моддасига мувофиқ худди шу номда оммавий ахборот воситаси таъсис этиш масаласини қўйиши мумкин. Бундай ҳолларда оммавий ахборот воситасини қайта рўйхатдан ўтказиш талаб этилади.

17-модда. Оммавий ахборот воситасини рўйхатга олишни рад этганлик ёки унинг фаолиятини тугатиш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилиш тартиби

Давлат органи томонидан оммавий ахборот воситасини рўйхатга олишнинг рад этилиши, шунингдек оммавий ахборот воситаси фаолиятини тугатиш тўғрисидаги қарор устидан оммавий ахборот воситасининг муассиси ёки таҳририяти судга шикоят қилиши мумкин.

18-модда. Оммавий ахборот воситасининг устави (низоми)

Оммавий ахборот воситаси ўз фаолиятини муассис тасдиқлайдиган устав (низом) асосида юритади.

Оммавий ахборот воситасининг устави (низоми) таҳририят ходимлари умумий миқдорининг камида учдан икки қисми иштирокидаги умумий йиғилишида кўпчилик овоз билан қабул қилинади ва муассис томонидан тасдиқланади.

Уставда (низомда) муассис, муҳаррир (бош муҳаррир) ва таҳририят ходимларининг ваколатлари белгиланади ва оммавий ахборот воситасининг муассиси, номи, қайси тилда (тилларда) эълон қилиниши, манзили, фаолият тури ва мақсадлари, таҳририят мол-мулки манбаи ҳамда фойдани (даромадни) тақсимлаш тартиби, нашрни қайта ташкил этиш ва тугатиш шартлари кўрсатилади.

Устав (низом) Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига зид келмаслиги керак.

19-модда. Оммавий ахборот воситасининг муҳаррири (бош муҳаррири) ва таҳрир ҳайъати

Муҳаррир (бош муҳаррир) оммавий ахборот воситаси таҳририяти, таҳрир ҳайъати ишига раҳбарлик қилади, муассис билан муносабатларда оммавий ахборот воситаси номидан иш олиб боради.

Муҳаррирни (бош муҳаррирни) лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш тартиби уставда (низомда) белгилаб қўйилади.

Таҳрир ҳайъати оммавий ахборот воситаси уставида (низомида) назарда тутилган тартибда тузилади. Оммавий ахборот воситасининг муассиси, таҳририяти ва ношири ўртасидаги ишлаб чиқариш, мулкий, молиявий ва бошқа муносабатлар қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

20-модда. Оммавий ахборот воситаларида ҳомийлар иштироки

Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари оммавий ахборот воситаларига ҳомийлик қилиши мумкин. Оммавий ахборот воситалари билан ҳомийлар ўртасидаги муносабатлар қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Ҳомийларнинг оммавий ахборот воситалари ва улар ходимларининг касб фаолиятига аралашуви тақиқланади.

21-модда. Нашрга оид маълумотлар

Даврий нашрнинг ҳар бир сонида қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши керак:

1) нашрнинг номи;

2) таҳририятнинг манзили;

3) муассис (муассислар)нинг номи;

4) муҳаррирнинг (бош муҳаррирнинг) фамилияси, исми-шарифи;

5) даврий нашрнинг рўйхатга олинган тартиб рақами ҳамда босилиб чиққан санаси, газеталарнинг эса, шунингдек чоп этишга рухсат берилиб, имзо қўйилган вақти;

6) алоқа корхоналари орқали тарқатиладиган даврий нашрлар учун индекс рақами;

7) тиражи;

8) босмахонанинг номи ва манзили.

Телевидение, радиоэшиттириш таҳририяти ҳар сафар эфирга чиққанда, узлуксиз эшиттириш чоғида эса, бир кеча-кундузда камида тўрт марта телевидение, радиоэшиттириш таҳририяти номини эълон қилиши шарт.

22-модда. Назорат нусхалари ва тақдим этилиши шарт бўлган нусхалар

Даврий босма нашрларнинг назорат нусхалари таҳририятга, муассисга ва рўйхатга олувчи органга бепул юборилади.

Даврий босма нашрларнинг тақдим этилиши шарт бўлган нусхалари юборилади ган ташкилотлар ва муассасаларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланади.

23-модда. Телекўрсатув ва радиоэшиттириш материалларининг сақланиши

Телевидение, радиоэшиттириш таҳририятлари, телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар материалларини (плёнкаларни) улар эфирга берилганидан сўнг бир ой давомида сақлаб туришлари, олдиндан ёзиб олмай, тўғридан-тўғри эфирга бериладиган кўрсатувлар ва эшиттиришларни рўйхатга олиш дафтарини юритишлари, уларнинг мавзуи, намойиш этилган (эфирга берилган) куни, бошланган ва тугаган вақти, уларни олиб борган кишининг фамилияси ва исмини қайд этиб боришлари шарт.

Телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришларни рўйхатга олиш дафтари унга сўнгги ёзув киритилган кундан бошлаб бир йил давомида сақланади. Тарихий, илмий, маданий ва бошқа йўсиндаги аҳамиятга молиқ материаллар қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда сақланиши керак.

24-модда. Оммавий ахборот воситалари маҳсулотларини тарқатиш тартиби

Оммавий ахборот воситаларининг маҳсулотларини бевосита ноширнинг ва таҳририятнинг ўзи ёки шартнома асосида алоқа корхоналари, бошқа юридик ва жисмоний шахслар тарқатиши мумкин.

Оммавий ахборот воситасининг ҳар бир алоҳида сонини тарқатишга муҳаррир (бош муҳаррир) уни чоп этишга (эфирга беришга) рухсат этганидан кейингина йўл қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий мамлакатлар оммавий ахборот воситалари маҳсулотларини тарқатиш Ўзбекистон Республикаси тегишли қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномалар қоидалари асосида амалга оширилади.

25-модда. Расмий хабарлар, ахборот ва эълонларни эълон қилиш

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан таъсис этилган оммавий ахборот воситалари мазкур органларнинг расмий хабарларини эълон қилишлари шарт.

Фавқулодда вазиятлар тўғрисидаги шошилинч хабарлар ёки давлатнинг ваколатли органлари томонидан омма эътиборига зудлик билан етказиш мақсадида берилган хабарлар барча оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Суднинг айнан шу оммавий ахборот воситасида эълон қилиш тўғрисидаги кўрсатмаси бўлган, қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорини таҳририят кўрсатилган муддатда бепул эълон қилиши шарт.

Бошқа ҳар қандай хабар, ахборот ва эълонлар таҳририят билан ўзаро шартнома тузиш асосида эълон қилинади.

26-модда. Муаллиф материаллари ва хатларидан фойдаланиш

Оммавий ахборот воситаларида тегишли қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда журналистика, адабиёт, санъат асарларидан ва илмий асарлардан фойдаланилишига йўл қўйилади.

Таҳририятга келган хатларни эълон қилишга тайёрлаш чоғида мазмунини бузмаган ҳолда уларнинг матнини қисқартириш ва таҳрир этишга йўл қўйилади.

Таҳририят қонуний асосларда рад этган материални оммавий ахборот воситасида мажбуран эълон қилдиришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

27-модда. Раддия бериш ва жавоб қайтариш ҳуқуқи

Юридик ёки жисмоний шахс оммавий ахборот воситасида эълон қилинган, ҳақиқатга тўғри келмайдиган ва ўзининг шаъни ҳамда қадр-қимматига доғ тушиradиган маълумотлар бўйича раддия беришни таҳририятдан талаб қилишга ҳақлидир.

Эълон қилинган материал туфайли ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган юридик ва жисмоний шахслар ўз раддиясини мазкур оммавий ахборот воситаси орқали эълон қилишга ҳақлидир. Раддия ёки жавоб махсус рукнда ёхуд ана шунга сабаб бўлган материал босилган айни ўша саҳифада эълон қилиниши шарт. Раддия ёки жавоб газеталарда улар келган кундан эътиборан бир ой муддат ичида, бошқа даврий нашрларда эса навбатдаги сонда эълон қилинади.

Олинган раддия ёки жавоб радиоэшиттириш ёки телевидение таҳририяти томонидан радиоэшиттириш ёхуд телекўрсатувнинг айни ўша дастури ёки туркумида, келган кунидан эътиборан бир ой муддат ичида эълон қилинади.

Асосли ва одоб доирасидаги жавоб матнини, агар уни эълон қилиш ҳажм ёки вақт нуқтаи назаридан оммавий ахборот воситасининг фаолиятига зарар етказмаса, таҳрир қилишга йўл қўйилмайди.

Оммавий ахборот воситаси раддия ёки жавобни эълон қилишдан бош тортса ёхуд уларни эълон қилиш учун белгилаб қўйилган муддатни бузса, юридик ёки жисмоний шахс даъво билан судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

28-модда. Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бузишда айбдор деб топилган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Муҳаррир (бош муҳаррир), шунингдек журналист оммавий ахборот воситасида ҳақиқатга тўғри келмайдиган материалларни тарқатганлик учун, агар маълумотлар: расмий хабарлардан олинган бўлса; ахборот агентликлари ёки давлат органларининг матбуот хизмати орқали олинган бўлса, ёхуд муаллифнинг олдиндан ёзиб олинмай, тўғридан-тўғри эфирга берилаётган нутқларида айтилган бўлса, жавобгар бўлмайдилар.

29-модда. Чет эл оммавий ахборот воситалари ваколатхоналари ва вакилларининг Ўзбекистон Республикасидаги фаолияти

Чет эл оммавий ахборот воситалари ваколатхоналари ва вакиллари Ўзбекистон Республикасида фаолиятни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида аккредитациядан ўтганларидан кейин амалга оширадилар.

Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган чет эл оммавий ахборот воситалари ваколатхоналари ва вакилларининг ҳуқуқий мақоми ва касб фаолиятини амалга ошириш шартлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

30-модда. Халқаро шартномалар

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 26 декабрь.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори

«ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқлаштирсин, вазирликлар ва идоралар мазкур Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишларини ва бекор қилишларини таъминласин.

3. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил, № 8, 180-модда);

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 6, 118-модда) VIII бўлими.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг Раиси
Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 26 декабрь.

ТАШКИЛИЙ МАСАЛА КЎРИЛДИ

ХДП хабари

10 январь куни Ўзбекистон ХДП Наманган вилоят кенгашининг XV пленуми бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди. Н. Қозоқов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан вилоят партия кенгашининг биринчи котиби ва ижроия бюроси вазифаларидан озод қилинди.

Вилоят ҳокимлиги халқ таълими бошқармасининг бошлиғи бўлиб ишлаб келган Ҳабибулло Убайдуллаев вилоят партия кенгашининг биринчи котиби ва ижроия бюроси аъзоси этиб сайланди.

Пленумда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби А. Жалолов ва Наманган вилоятининг ҳокими Т. Жабборов нутқ сўзладилар.

Пленум ишида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг котиби Ҳ. Авезов, Наманган шаҳар ҳокими М. Тожибоев иштирок этдилар.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

ЖАҲОН ФАНИНИНГ НУРОНИЙ СИЙМОСИ

Миллат ва маънавият

Аниқ фанлар ривожига беқиёс ҳисса қўшган улуғ ватандошимиз, қомусий аллома Аҳмад ал-Фарғоний илмий меросининг халқимиз маънавий-маданий ҳаётидаги ўрни, аллома таваллудининг 1200 йиллигини ўтказиш ЮНЕСКОнинг 1998 йилдаги тадбирлари режасига киритилганлиги ҳисобга олиниб ҳамда унинг меросини авайлаб-асраш ва авлодларга тўла етказишга кенг йўл очиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг тарихий қарори эълон қилинди.

Биргина илм-фан учунгина эмас, балки қадриятлар, маънавият-маърифат борасида ҳам бетимсол аҳамиятга молик бу қарорнинг қабул қилиниши мустақиллик ва истиқлолимизнинг яна бир зарварақли одими, беқиёс шукуҳидир.

Мазкур қарор Аҳмад ал-Фарғоний тимсолида Ватан фанини, мустақиллик ва истиқлол қудратининг бўйбастини жаҳонга кўз-кўз қилади, ўзбек илм-фанининг қадимийлиги ва бойлигини яна бир бор намойиш этади. Қарорга биноан, буюк алломамизнинг табаррук ёшларини кенг миқёсда нишонлаш режалари, аниқ-тиниқ белгиланган. Шунга кўра жойлардаги тегишли мутасадди муассасалар ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссия ҳамкорлигида шу йилнинг октябрь ойида «Аҳмад ал-Фарғоний илмий меросининг жаҳон фани тараққиётида тутган ўрни» мавзуида халқаро илмий конференция ва тантанали байрам тадбирлари ўтказади. Ватан фанига, миллат маънавиятига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган у ёки бу алломанинг тарихий саналарини муносиб кутиб олиш ва ўтказиши— уни дунёга берган Миллат ҳамда Ватаннинг обрў-эътиборини, шукуҳини, куч-қудратини, шунингдек жаҳон цивилизацияси, илм-фанига қўшган ҳиссасини намойиш қилиш демакдир. Чунки, илм-фан алломаси — бу миллат овози, Ватан қиёфаси, халқ маънавияти, маърифати, ақл-идроки нечоғлик бойлиги ва қудратидан бир нишонадир. Шу нуқтаи назардан қараганда Аҳмад ал-Фарғоний жаҳон фанининг ифтихори, кўрки ва обрў-эътиборидир.

Аҳмад ал-Фарғоний, (асл оти Абу-л-Аббос ибн Муҳаммад ибн Касир бўлиб вафоти 861 йил), буюк астроном, математик ва жуғроф бўлган. Асли Фарғонадан бўлган ватандошимиз шарқда «Хосип» математик» деган тахаллус билан шуҳрат қозонган. Аҳмад ал-Фарғонийнинг астрономия, жуғрофия ва астрология соҳасидаги асарлари ана шу фанлар тарихига салмоқли ҳисса қўшди ва кейинги даврларда ўтган олимлар учун қўлланма вазифасини ўтади. XI асрдан бошлаб Испанияда «араб астрономлари ва математиклари» номи билан шуҳрат қозонган ўзбек олимлари жумладан, Аҳмад ал-Фарғоний асарлари лотин тилига таржима қилина бошланади. Бу таржималар орқали Аҳмад ал-Фарғоний Оврупода «Al Fraganus» (ал-Фарғоний) номи билан жуда машҳур бўлади.

Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамасининг тарихий қарори муносабати билан узоқ йиллардан буён кўнгилга тугиб юрган бир-икки армонимни айтиб ўтишга ўзимда жўраъ сездим. Биринчидан, мустақил республикамизда ҳақиқий том маънода «Олимлар маркази» — мулоқотлар, баҳс-мунозаралар уйи ташкил этилиб, унга Аҳмад ал-Фарғоний номи берилса, айни муддао бўлур эди. Иккинчидан, аниқ фанлар соҳасидаги иқтидорли ёшларга бу аллома номидаги имтиёзли стипендия таъсис этилса, учинчидан, бирон бир туманга аллома номи берилиб, унинг салобатли ҳайкали ўрнатилса. Шунингдек, илм-фан учун махсус давлат мукофоти белгиланса...

Малик МУРОД,
профессор.

Тўрақўрғондаги «Оҳангар» трактор-таъмирлаш ҳиссадорлик жамияти чилангари Бахтиёр Юсуфжонов.

Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат.

«НАМУНА»ЛИК ЁШЛАР НАМУНА БЎЛИШМАДИ

Ёмоннинг қилиғи ортиқ

Ўтган йили 16 октябрда Термиз шаҳар дарё портига калиш ортилган юк вагонлари келиб тушиши билан улар белгиланган манзилларга юбориш учун назоратдан ўтказилди. Вагон эшикларига қуйма тамғалар қуйилиб, Клиф бекатига жўнатилди. Вагон 17 октябрь куни шу бекатдан назорат тамғаси йўқлиги учун Туркманистон темирйўлчилари томонидан қабул қилинмай орқага қайтарилган. Бундан ажабланган Термиз дарё порти маъмурияти ўзининг «473 ТЭС СВТ» деб ёзилган тамғасини қўйиб яна пойабзал ортилган вагонни белгиланган тартибда Тошкент бекатига жўнатиб юборишган.

Ушбу вагон 1997 йил 25 октябрь куни Тошкентга етиб келиши билан буюртмачи «Моҳил» ЛТД фирмаси вакиллари юкни комиссион тарзда тушириб олиш вақтида не кўз билан кўрсинларки, вагондан умумий нархи 734.000 сўмлик 3825 жуфт калиш ўғирланганлигининг гувоҳи бўлдилар.

Бу ҳақида хабар топган Термиз транспорт прокуратураси шу йилнинг 19 ноябрь куни жиноят иши қўзғаб, жиноятчиларни излаб топишни Термиз шохбекатидаги тармоқ ИИБ тезкор ходимлари зиммасига юклади. Изқуварлар тезда жиноятчиларни қидиришга тушишди. Бозорларда сотилаётган калишлар билан қизиқишди. Нарх навосини сўраб билишди. Олиб борилган тезкор-қидирув тадбирлар ўз самарасини берди. Резина пойабзаллари ортилган юк вагонини Термиз туман "Намуна" қишлоғида яшовчи бир гуруҳ шахслар талон-тарож қилишгани аниқланиб, далилий ашёнинг бир қисми мусодара этилди.

Мана улар — ҳеч қаерда ишламайдиган 1967 йилда туғилган С. Алламурод, 1971 йилда туғилган Р.Эшқобил, Термиз темир йўл бекатида вагон текширувчи бўлиб ишловчи ҳамкасблар—1963 йилда туғилган Б.Абдурауф, 1962 йилда туғилган Х.Шомурод, Н.Ғани, 1959 йилда туғилган А.Амир, 1964 йилда туғилган К.Нарзулло, Термиз темир йўл бўлимига қарашли 163- разъездда навбатчи бўлиб ишловчи эндигина 24 ёшга тўлган Ю.Норфайзилар.

Энди "Намуна" қишлоғининг бошқаларга "намуна" бўлмоқчи бўлган ўғиллари минг афсуски тергов тугагач суд олдида жавоб берадилар.

Ҳакимжон ЮНУСОВ,
милиция катта лейтенанти Нақлиёт ИИБ ходими.

БОШ — МУКОФОТ ЭВАЗИГА ҚАЙТАРИЛАДИ

Бундан бир неча кун аввал номаълум шахслар Дания халқининг миллий фахри — бронзадан ясалган машҳур «Сув париси» ҳайкалининг бошини ўғирлаб кетган эди. Айни пайтда мамлакат аҳолиси бу кўнгилсиз воқеа ривожини юрак ҳовучлаб кузатмоқдалар. Куни кеча номаълум шахслар Дания телекомпаниясига қўнғироқ қилиб, «Сув париси»нинг бошини мукофот эвазига қайтариб беришини айтган. Бироқ, улар ўзларини таништирмаган.

ИККИ АВИАБАРДОР САҚЛАНИБ ТУРИБДИ

АҚШ Форс кўрфази ҳудудида 30 минг нафар ҳарбий хизматчиси ҳамда иккита авиабардорни сақлаб турибди. Чунки, Ироқ ҳамон БМТ билан тўла ҳамкорлик қилиш истагини намоён қилмаяпти, деб баёнот берди Пентагон вакили Кеннет Бейкон.

К. Бейконнинг айтишича, Форс кўрфазида турган «Нимиц» авиабардори март ойининг бошларида АҚШга қайтади. Бироқ, «Нимиц» кетганидан кейин, унинг ўрнига қайси авиабардор келиши номаълум. Шунингдек, айни пайтда мазкур ҳудудда АҚШнинг 356 та ҳарбий самолёти ҳам сақланмоқда.

СЕНАТОР НИЯТИ ПУЧГА ЧИҚДИ

Чили миллий конгрессининг депутатлар палатаси генерал Аугусто Пиночетнинг умри охирига қадар сенатор вазифасида қолишига қарши резолюция қабул қилди. Унда ёзилишича, генерал Пиночетнинг сенаторлик вазифасида бўлиши Чилида миллий тотувликнинг ўрнатилишига ёрдам бермайди. Шу билан бирга, унинг сенаторлик фаолиятини давом эттириши Чилининг халқаро майдондаги обрўсига ҳам путур етказади.

Маълумки, ўтган йил сентябрь ойида собиқ зўравон генерал Пиночет сенаторлик вазифасини бир умрга эгаллаш ниятини мамлакатга эълон қилган эди. Ниҳоят, унинг бу ниятига расман муносабат билдирилди.

МОЛИЯВИЙ ИНҚИРОЗНИ БАРТАРАФ ЭТИШ УЧУН

Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) раҳбарияти Жанубий Корея, Индонезия ва Таиланд ҳукуматлари аъзолари иштирокида ушбу мамлакатлардаги молиявий инқирозни бартараф этиш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилди.

Оммавий ахборот воситаларининг хабар тарқатишича, учрашув натижасига кўра, яқин кунлар ичида ХВЖ Корея Республикасининг пул-молия тизимини барқарорлаштириш мақсадида 2 миллиард АҚШ доллари ажратишни режалаштирмоқда.

Шунингдек, мазкур халқаро молиявий ташкилот донор давлатлар билан биргаликда Индонезия ва Таиланд учун 40 миллиард ва 17,2 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратиш масаласини ҳам кўриб чиқди.

ШАҲАРДА ҚОР БЎРОНИ

Япония пойтахти ҳамда унга туташ шаҳарларда юз берган қор бўрони 300 га яқин кишининг жароҳатланишига сабаб бўлди. Токиода қорнинг қалинлиги 15 сантиметрга етди. Ҳукумат шаҳар магистралларидаги транспорт қатновини тўхтатиб қўйишга ҳамда электр поездлари ҳаракатини камайтиришга мажбур бўлмоқда.

Токио полициясининг маълум қилишича, бир куннинг ўзида 230 та автомашина ҳалокатга учраб, 180 нафар киши жароҳатланган. Нарита халқаро аэропортида фаолият тўхташи натижасида эса минглаб йўловчи манзилларига етиб бора олмай, аэропортда тунаб қолишларига тўғри келди.

ОЛТИН ҚАЗИШ ОРТДИ

Ўтган йили Хитой тарихида илк бор энг кўп, яъни, 166,3 тонна олтин қазиб олинди. Бу 1996 йилдагига қараганда 37 фоиз кўпдир. Бу муваффақият мазкур соҳада бозор тизимини жорий қилиш ҳамда бошқарувни мустаҳкамлаш туфайли қўлга киритилди, дейди мамлакат металлургия саноатининг олтин қазиб олиш бошқармаси бошлиғи Ван Дэсюе.

Бироқ, ташқи ва ички бозорда қимматбаҳо металлар нархининг пасайиб кетиши ҳамда янги конлар топилмаётгани соҳага ўзининг салбий таъсирини ўтказмоқда. Шу сабабли тармоқдан олинган умумий фойда бор-йўғи 50 миллион юан (6,1 миллион АҚШ доллари)ни ташкил этади. 1200 та олтин қазиб олиш корхонаси 1997 йилни зарар билан якунлаган.

ОЗИҚ-ОВҚАТ ҒАМЛАНМОҚДА

Индонезияда молиявий инқироз ҳамон давом этаётир. Куни кеча ҳам биржада рупийнинг АҚШ долларига нисбатан қиймати 15 фоизга арзонлашиб кетди, бу бир АҚШ доллари 11500 рупийга тенглашди, деган гап.

Шунга қарамай, Индонезия марказий банки мамлакат 21,4 миллиард АҚШ доллари миқдорида валюта заҳирасига эга эканини маълум қилди. Бу эса беш ойлик импорт харажатларини қоплар экан. Шундай бўлсада, Жакарта аҳолиси нарх-навонинг ошиб кетишидан ташвишланиб озиқ-овқат маҳсулотларини ғамлаб қўйишга ҳаракат қилаётир.

СУВОСТИ КЕМАСИ СОТИБ ОЛДИ

Яқинда Хитой ҳарбий-денгиз қуролли кучлари Россиянинг «Варшавянка» сувости кемаларидан фойдалана бошлайди. Икки давлат ўртасидаги аҳдлашувга кўра, Россия 1 миллиард АҚШ доллари эвазига ХХРга 4 та сувости кемаси етказиб беради. Кузатувчилар ҳозирги вақтда Хитой армияси, хусусан, ҳарбий-денгиз қўшинлари тасарруфидаги қурол-аслаҳа ва техника бирмунча эскирганини таъкидлашмоқда. Уларнинг фикрича, ХХР Россиядан бундай кемаларни сотиб олса, Хитой ҳарбий-денгиз кучлари ўз жанговар ва ўқув машқлари қўламини анча кенгайтириш имконига эга бўлади.

Сўзсиз сурат.

ЧЕРЧИЛНИНГ ЯНА БИР ИСТЕЪДОДИ

Яқинда Лондонда «Сотбиз» аукциони Нобель мукофотининг соҳиби, Буюк Британиянинг 40-йиллардаги атоқли давлат арбоби Уинстон Черчилл яратган тасвирий санъат асарлари кўргазмасини ташкил этди. Черчилнинг юздан ортиқ асарлари ушбу кўргазмага қўйилди. Бу эса, У. Черчилнинг яна бир нодир истеъдод соҳиби бўлганидан шоҳидлик беради.

Мутахассисларнинг баҳолашича, Черчилл яратган асарлар бўёқлари ёрқинлиги, чуқур мазмун ва пурмаъно фалсафий қарашлар билан уйғунлашган. Вақт ўтган сайин, бу асарларнинг қиммати ошиб боради. Қизиғи шундаки, замондошларининг хотирлашича, У. Черчилл ўз асарларига ҳамиша танқидий муносабатда бўлган ва ҳатто «шунчаки эрмак, бўлмағур нарсалар» деб қараган.

Асарлардан бири кўргазманинг биринчи кунидаёқ 150 минг фунт-стерлингга сотилди.

МИЛЛИОНЕРЛАР КЎПАЙМОҚДА

Мамлакат фаровонлигини, аввало, фуқароларнинг қай даражада бадавлат яшаётганидан ҳам билса бўлади. Шу маънода Канадада миллионерлар сонининг йил сайин кўпайиб бораётгани ҳам одатдагидек эътибордан четда қолаётгани йўқ.

Кузатувлар натижаларига қараганда, айни пайтда АҚШ доллари ҳисобидаги шахсий жамғармаси бир миллионга етган ва ундан ошган кишилар сони Канадада 220 минг кишини ташкил этади. Бу рақам 1989 йилдагига қараганда уч баробар ортиқ. Мутахассислар 2005 йилга келиб, улар сони 650 минг нафарга етишини тахмин қилишмоқда. Мамлакат миллионерларининг 60 фоизи ўз бойликларига меросхўр сифатида эришган бўлишса, қолган 40 фоизи миллионларни тадбиркорлик орқали қўлга киритган.

«Титаник»нинг чўкиши.

МАҲАЛЛИЙ НИЗОЛАРНИНГ КАТТА МУАММОЛАРИ

Сиёсий шарҳловчи нигоҳи

Асримизнинг яна бир, 97-йили тарих мулкига айланди. Ортда қолган давр инсониятга нима берди? У халқаро ҳаёт солномасида қандай из қолдирди? Янги йил бошида шу ҳақда ўйлар экансиз, ялпи тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш борасида қилинган салмоқли ишлар, янги ташаббуслар билан бирга, сайёрамизнинг у ёки бу еридаги «оловли нуқталар» кўз ўнгингизда намоён бўлади. Ўтиб кетган йилдан бизга шундай оғир юк мерос бўлиб қолганлиги ачинарли бўлса-да, ҳақиқатдир.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги ярим асрдан кўпроқ вақтни шартли равишда урушсиз йиллар дейиш мумкин. Ер куррасининг турли бурчакларида рўй берган ва бераётган ўнлаб, ҳаттоки юзлаб маҳаллий ва минтақавий низолар барча қатъаларни (Антарктида бундан мустасно) ларзага келтирмоқда. Кўлами юзасидан кичик бўлса-да, энг замонавий қурол-яроғларни ишлатиш ва мудҳиш оқибатлари жиҳатидан ўтган асрларнинг энг йирик, даҳшатли муҳорабаларидан қолишмайдиган ушбу урушлар ўтида, кўпчилигини тинч аҳоли ташкил қилган, миллионларча кишилар нобуд бўлмоқда, жуда катта миқдордаги моддий ва маънавий бойликлар кулга айланмоқда, мамлакатлар ривожланишига жиддий зарар етказилмоқда, халқаро ҳаёт заҳарланмоқда.

Кейинги 10—15 йил ичида маҳаллий низоларни бартараф этиш масаласида бирмунча ижобий ишлар қилинганлиги рост. Уруш алангаси ўчирилиб, тортишувларни сиёсий воситалар орқали ҳал этишга ўтилган мамлакатлар рўйхати кенгаймоқда (Ангола, Жанубий Африка Республикаси, Намибия, Никарагуа, Камбоджа, Сальвадор ва бошқалар). Лекин, можароларнинг бири тугатилса, иккинчиси пайдо бўлмоқда, айримларини бартараф этиш иложи бўлмаётир.

Шимолий Ирландия (Ольстер)даги катокликлар ва протестантлар ўртасидаги давомли қарама-қарши туриш сайёрамиздаги энг эски маҳаллий низо, деб ҳисобланмоқда. Аслида, у икки диний мазҳаб тарафдорлари ўртасидаги кураш эмас, балки, она-юрти озодлиги учун қўлига қурол олган ирландларнинг, уларнинг талабини қондирмаётган Лондоннинг зўравонлик сиёсатига қарши чиқишидир. У 1921 йилда Буюк Британия бош вазири Ллойд Жорж ва Ирландия республикачилар партияси раҳбари Майкл Коллинз Ирландия Республикасининг давлат мустақиллиги ва Англия таркибидаги Ольстернинг махсус мақоми тўғрисидаги битимга имзо чекканларидан буён давом этмоқда. Шимолий ирландияликларнинг бу келишувни қабул қилмаган каттагина қисми ўз республика армияси (ИРА)ни тузиб, 77 йилдирки, Ольстер озодлиги учун қуролли кураш олиб бормоқда. Музофотнинг ажралиб чиқишини хоҳламаётган расмий Лондон унга қарши чиқаётган протестантларни ўз ҳимоясига олиб, «кучга-куч», «қонга-қон» сиёсатини юргизиб келди.

Ушбу можаро тарихи биринчидан, ҳар қандай сиёсий келишмовчиликни зўрлик воситасида ҳал этиб бўлмаслигини, иккинчидан, сийқаси чиққан ёндошувлар билан чигал муаммоларнинг ечимини топиш амри маҳол эканлигини исботламоқда. Ҳақиқатан, олдинги авлодлар чизиб берган чизиқдан чиқишни истамаётган, эски ақидалар асирига айланган раҳбарлардан Ольстер масаласида бирон жўяли ғоя кутиш қийин. Масалага янгича ёндошув аломатлари лейбористлар партияси кейинги парламент сайловларида ғалабага эришиб, 43 яшар Энтони Блэр бошчилигидаги бир гуруҳ ёш сиёсатчилар ҳокимият тепасига келгандан кейин пайдо бўлди. Янги бош вазир ИРА қуролсизлантирилганидан сўнг унинг сиёсий қаноти — Шин Фейн раҳбарлари билан музокаралар бошланиши тўғрисидаги Англия ҳукуматининг эски талабидан воз кечди. ИРА раҳбарияти ўтган йил 20 июлдан ўт очишни тўхтатди. Шин Фейн вакиллари Шимолий Ирландия мақомига доир музокараларга таклиф этилди. Сентябрь ойида бошланган музокараларнинг жорий йил майида тугалланиши мўлжалланмоқда. Унинг натижаларини олдиндан айтиш қийин, лекин, энг муҳими, чоракам бир асрлик душманликдан кейин шундай мулоқотнинг бошланганлиги, унда Буюк Британия бош вазири ва Шин Фейн раҳбари Жерри Адамснинг учрашганлигидир. Агар икки томон ҳам чинакам хоҳиш-истак намойиш этиб, кўзланган мақсад сари муқобил қадамлар қўйсалар, Ольстер муаммосини шу асрнинг ўзида боши берк кўчадан чиқариш мумкин бўлади.

Янги йилга мерос бўлиб ўтган «соқолли» дардлардан яна бири — Яқин Шарқдаги араб-исроил низоси. 1997 йил 29 ноябрда БМТ Бош Ассамблеясининг Фаластин ҳудудида икки мустақил давлат — араб ва яҳудий давлатларини барпо этиш ҳамда Қуддус шаҳрини бошқариш учун махсус халқаро маъмуриятни ташкил этиш тўғрисидаги қарори қабул қилинганига 50 йил тўлди. Мазкур қарор тўла бажарилмаганлиги, яъни Фаластин (араб) давлати тузилмаганлиги ва Қуддус шаҳри мақоми бузилганлиги сабабли, келиб чиққан Яқин Шарқ танглиги ўшандан бери чўзилиб келмоқда. Фақат «совуқ уруш» тугалланиб, Ғарб билан Шарқ ўртасидаги муносабатларда илиқлик пайдо бўлгандан сўнг, 90-йилларнинг биринчи ярмида ушбу низони бартараф этишда ижобий бурилиш бошланди ва унинг жараёнида бирмунча қадамлар ташланди. Бироқ, таассуфки, 1996 йилнинг иккинчи ярми, хусусан, 1997 йилда бу жараёнлар ривожланмади. Аксинча, Исроилнинг Б. Натаняху бошчилигидаги «қиргийлар» ҳукуматининг арабларга нисбатан «қаттиққўллик сиёсати», фаластинликлар билан тузилган битимларни бажармаслик (масалан, Иордан дарёси Ғарбий қирғоғидан Исроил аскарларини тўла чиқариш муддатларининг бузилиши, Қуддус шаҳрининг араблар яшайдиган қисмида яҳудийлар учун уй-жойлар қуришга киришиш ва ҳоказолар) каби, бошқа томон манфаатларига зид қадамлар (ушбу сиёсатдан норози бўлган ташқи ишлар вазири Д. Леви ҳукумат таркибини тарк этди) ва бунга жавобан фаластин жанғари тўдаларининг террорчилик ҳаракатлари минтақада тинчликни қарор топтириш ишига путур етказди, сиёсий вазиятнинг кескинлашувига олиб келди.

Миср, Иордания, АҚШ, Ғарбий Европа нуфузли давлатлари ва Россия ҳукуматлари, БМТ ҳамда Европа Кенгаши Яқин Шарқда тинчликни қарор топтириш жараёнини тўхтатмаслик, араб-исроил мулоқотини давом эттиришга даъват этиб, томонларни келиштириш учун кўп саъй-ҳаракатлар қилдилар. Чунончи, АҚШ Президенти Билл Клинтон, Давлат котиби Мадлен Олбрайт, давлат департаментининг махсус вакили Денис Росс, Франция Президенти Жак Ширак, Россия ташқи ишлар вазири Евгений Примаков ва қатор бошқа мамлакатларнинг юқори лавозимли давлат арбоблари Миср, Иордания, Сурия, Ливан, Исроил раҳбарлари ҳамда Фаластин мухториятининг бошлиғи Ёсир Арафот билан бир неча марта учрашиб, томонларни музокараларни тиклашга кўндиришга уриндилар, ўзаро муносабатлар ақл-идрок юзасидан иш тутишга уларни даъват этдилар.

Аммо, Исроил ҳукумати Фаластин томонидан террорчиликка барҳам беришни талаб қилиб, ҳаттоки, мухторият раҳбариятининг жангарларга ён босишда айбламоқда. Фаластин раҳбарлари, ўз навбатида, истилочи қўшинларнинг босиб олинган араб ерларида сақланиши турли жангари гуруҳларига дастак бўлаётганига ишора қилмоқдалар. Шу тариқа, Яқин Шарқда араб террорчиларининг Исроил ҳудудида бомбаларни портлатишлари (ўтган йил давомида уч нафар террорчи ўзини портлатгани натижасида 30 киши ҳалок бўлди), Тель-Авив ҳукуматининг Ғарбий қирғоқ билан чегараларни вақти-вақти билан ёпиб қўйишлари, яъни мухторият ҳудудини қамал қилишлари ва «Хамас» ташкилоти қуролли тўдалари қароргоҳларига ҳаводан зарба беришлари билан жўр бўлган даҳанаки жанглар олиб борилмоқда. Лекин, унинг янги араб-исроил урушига айланмаслигига ким кафолат бера олади?

Бир-бирини айблаш марказий ўрин эгаллаган бу баҳсда ким ҳақ? Ушбу минтақадаги ярим асрлик воқеалар таҳлили шуни кўрсатадики, жумбоқнинг калити ўртада ётибди. Тажриба томонлар бир-бировларининг манфаатларини инобатга олишлари шартлиги, Яқин Шарқда тинчликни қарор топтириш учун муроса йўлидан чекинмай, астойдил ҳаракат қилишлари ва, энг аввало катта қийинчиликлар билан юзага келган битимларни сўзсиз бажаришлари зарурлигини тақозо этмоқда.

Ортда қолган йилда Афғонистондаги қарийб 20 йиллик фуқаролар уруши тарихига янги қонли саҳифалар ёзилди. Маълумки мамлакатнинг тўртдан уч қисмини қўлга киритган «Толибон» ҳаракати ўзига қарши турган бирлашган қуролли кучлар сафларида парокандалик пайдо бўлганлиги (генерал Абдул Маликнинг исёни)дан фойдаланиб, уни эгаллаб турган муҳим стратегик жойлардан, қисман сиқиб чиқаришга, шимолий ҳудудларнинг бир қисмини (шу жумладан, Мозори Шарифни қисқа муддатда) босиб олишга муваффақ бўлди. Аксилтолибон ҳаракати раҳбарларидан бири генерал Абдурашид Дўстумнинг рақиби устидан тўла ғалаба қозониб, ўз мавқеини мустаҳкамлаб олгани натижасида, ҳукумат тарафдорлари толибларга сезиларли зарбалар бериб, уларни анча орқага улоқтириб ташлашга муяссар бўлдилар. Ҳукумат тарафдорлари ўзларини бирмунча ўнглаб олган, толиблар эса босиб олинган талайгина ҳудудларни дарҳол тўхтатиш тўғрисидаги битимни имзолаш, шундан кейин, ҳарбий асирлар масаласини ҳал этиш ғоясини олга сурдилар. Улар, шунингдек, Кобулни қуролсизлантириш, яъни пойтахтдан толибларнинг қўшинларини олиб кетиш, зарур бўлса, шаҳарга бетараф ҳарбий қисмлар(масалан, БМТнинг тинчликпарвар кучлари)ни киритишни таклиф этдилар. Покистон бош вазири Ашгадабга келиб, Туркманистон раҳбарлари билан учрашганлар. Бахтга қарши, бу ва бунга ўхшаш кўплаб уринишлар ҳозирча ижобий натижа бермаяпти. Нега?

Бунинг асосий сабабларидан бири, назаримизда, шундаки, афғон жумбоғини жанг майдонида ечиш мумкин бўлмаслиги аён бўлганлигига қарамай, бу ерда қурол воситасида рақибларини енгишга умид боғлаётган нуфузли кучларнинг қўли ҳамон устун келмоқда. Чунончи, толиблар ҳукумати соғлиқни сақлаш вазири Муҳаммад Аббос Ақхуднинг ўтган йил ёзида Японияга сафари чоғида, «Толибон» ҳаракати ҳеч қандай гуруҳлар билан музокарага бормасдан, зўрлик билан бутун Афғонистонни ўз назорати остига олади, деган сўзларини «Иомиури» газетаси кенг тарқатди. Бундай жанобларга афғонларнинг инглиз мустамлакачилари ва шўро босқинчилари устидан қозонган ғалабалари тинчлик бермаяпти, шекилли. Ахир, улар ташқи душман устидан қозонилган ғалабалар эканлигини урушқоқлар нахотки тушунмасалар? Албатта, Афғонистондаги биродаркушликнинг давом этишидан манфаатдор бўлган нуфузли ташқи кучларнинг борлигини ҳам унутмаслик керак.

Қўшни мамлакатда тинчлик қарор топиши ва у билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйишдан манфаатдор бўлган республикамиз раҳбарияти, хусусан Президентимиз Ислом Каримов, олдинги йиллардагидек, 1997 йилда ҳам Афғонистондаги барча сиёсий кучларни қайта-қайта муросага чақирди. Ўзбекистон ҳукумати афғон можаросини бартараф этиш учун уни ҳарбий усул билан ҳал этишдан воз кечиш, ўзаро курашаётган томонларга хориждан қурол-яроғ етказиб беришни тўхтатиш ва, умуман, Афғонистоннинг ички ишларига ташқаридан аралашишга чек қўйиш, можарода қатнашаётган барча асосий кучларнинг БМТ ҳомийлиги ва Ислом конференцияси ташкилоти иштирокидаги тинч музокараларини йўлга қўйиб, мамлакат ҳудудий яхлитлигини сақлаб қолиш муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблайди. Республикамиз ташқи ишлар вазири янги йил арафасида ўтказган брифингда ҳукуматимизнинг Афғонистон масаласидаги нуқтаи назарини яна бир бор тасдиқлади.

Марказий Осиё давлатлари бошлиқларининг жорий йил 5 январида Ашгабадда учрашуви якунида қабул қилинган Қўшма Баёнотда Афғонистонда бир-бирига қарши курашаётган гуруҳлар ўртасида барча манфаатдор томонларнинг фаол ёрдамида музокаралар йўли билангина тинчлик ва тотувлик ўрнатиш мумкин, деган яқдил фикр билдирилди.

Янги йил ушбу ишкал меросдан халос бўлишда бурилиш йили бўлса, ажаб эмас. Зеро, ўтган декабрнинг сўнгги кунларида [illegible]хабарларга кўра, ҳукумат ва толиблар вакиллари Покистонда учрашиб, мамлакатда тинчлик ўрнатишга бағишланган конференцияни ўтказишга қарор қилибдилар. БМТнинг фикрича, анжуманда Ўзбекистон раҳбарияти таклиф этганидек, Афғонистонга қўшни давлатлар, АҚШ ва Россия вакиллари ҳам иштирок этишлари даркор. Шоядки, бўлажак мулоқот инсонлар қони билан суғорилган (19 йиллик урушда 1,5 миллиондан зиёд киши ҳалок бўлган!) афғон ерида тинчлик ўрнатилиши мақсадида амалий қадамлар қўйилишига олиб келса, ундан нафақат ушбу мамлакатнинг жабрдийда халқи, балки, минтақамиз, Осиё қитъаси, қолаверса, бутун сайёрамиз аҳли шод бўлар эди.

Ўтган йили қардош Тожикистон халқининг олти йиллик биродаркушлик урушидан кейин бирмунча енгил нафас олганининг гувоҳи бўлдик. Халқаро ташкилотлар (аввало, БМТ), қўшни давлатларнинг саъй-ҳаракати, можарога тортилган сиёсий кучлар — ҳукумат тарафдорлари ва бирлашган мухолифат раҳбарларининг эзгу ният ҳамда астойдил ҳаракатлари туфайли уруш ҳаракатлари тўхтатилди. Тинчлик ўрнатилишидан манфаатдор бўлмаган майда-чуйда қуролли тўдалар (Р. Содиров, М. Худойбердиев) гуруҳлари ва бошқаларнинг, қарор топган сиёсий мувозанатни бузиш мақсадидаги, чиқишларини ҳисобга олмаганда, республикадаги танглик бир қадар юмшади, одамларда тинч ҳаёт қарор топишига умид пайдо бўлди, БМТ ва Ўзбекистон ҳукуматининг кўмагида афғонистондаги қочоқларнинг асосий қисмини ватанга қайтариш таъминланди. Миллий яраш комиссияси иш бошлаб, давлат тузилмалари ва қуролли кучлар таркибига мухолифат тарафдорларини киритиш жараёни йўлга қўйилди. Сохта демократларнинг бақириқ-чақириқларига учиб, тинчлигидан айрилган минг-минглаб кишилар издан чиққан халқ хўжалигини тиклашга киришдилар. Аммо, қатъий равишда, Тожикистон барқарор тинчлик палласига кирди, дейиш учун ҳали кўп саъй-ҳаракатлар, аввалгидек, барча сиёсий кучлардан мустаҳкам ирода, сабр-бардош, муроса-ю мадора йўлидан қатъий бориш, халқ манфаатларини тор гуруҳий манфаатлардан юқори қўйиш талаб этилади. Тожик биродарларимизнинг ушбу йўлдан изчил боришларига хайрихоҳ Ўзбекистон халқи ва ҳукумати ўз кўмагини ҳеч қачон аямайди. Тожикистон давлати бошлиғи Имомали Раҳмоновнинг Президентимиз таклифига мувофиқ 4 январь куни Тошкентга ташриф буюриб, Ислом Каримов билан олиб борган самимийлик ва дўстлик руҳидаги музокаралари ҳамда унинг якунида икки мамлакат ҳамкорлигини кенгайтиришга қаратилган қатор ҳужжатларнинг имзоланиши фикримизга далилдир.

Иккита жаҳон уруши ва дастлабки ядровий қуролларни ишлатиш, инқилоблар ва аксилинқилобий ҳаракатлар оқибатларини кўрган йигирманчи аср тарихи, гарчанд, зўравонлик воситаларини мозий ахлатхонасига улоқтириб ташлашни тақозо этса-да, инсоният негадир куч ишлатишдан воз кечмаяпти. Бильакс, кўпгина сиёсий ҳаракатлар унинг ёрдамида ўз мақсадларига эришиш ёхуд унга таяниб ўз мавқеини сақлаб қолишга ҳамон уринмоқда. 1997 йилда Африка қитъасидаги икки давлат — Заир ва Конгода куч воситасида янги тартиботлар ўрнатилди. Уларнинг биринчисида, Лоран Кабила бошчилигидаги қўзғолончилар, чет эл тажовузчилари кучи билан 1965 йилда ўрнатилган, Мобуту Сесе Секонинг мустабид тузумини май ойи охирларида супуриб ташладилар. Мамлакатнинг янги раҳбарлари янги давлат — Конго демократик республикаси тузилганлигини эълон қилиб, демократик ўзгаришлар қилинишига ваъда бердилар.

Кўп ўтмай, июнь ойи бошларида Конго (Браззавиль)да Президент Паскало Лиссубе қўшинлари ва мухолифатдаги собиқ президент Денни Сассу-Нгессо қуролли гуруҳларнинг тўқнашувлари бошланиб, у тез орада, қўзғолончилар ғалабаси билан тугалланди. Бу митти урушлар жараёнида ҳам нобуд бўлган, ногиронга айланган, бошпанасиз қолган, қўшни мамлкатларга қочиб ўтган фуқаролар сон-саноқсиздир.

Уруш уруш-да! У ҳеч қачон ва ҳеч қаерда қурбонсиз бўлмаган. Қуролли можаролар ҳам худди шундай. Буни ўтган йили Албанияда рўй берган воқеалар мисолида ҳам кўриш мумкин. Февраль ойида бошланиб, 3-4 ой давом этган тўполонлар пайтида қуролланган минглаб фуқаролар Сали Бериша бошчилигидаги ўнг партиялар ҳукуматининг иқтисодий-ижтимоий сиёсатини рад этиб, ўзини улоқтириб ташладилар. Жаҳон ҳамжамияти (БМТ, Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилти, НАТО, Европа кенгаши), қўшни давлатларнинг зудлик билан ёрдам қўлини чўзганликлари (7000 кишилик тинчликпарвар қуролли кучлар, озиқ-овқат ва дори-дармонлар юборилди, тегишли маслаҳатлар берилди) туфайли, бу ерда юз берган қуролли тўқнашув ва тартибсизликлар биродаркушлик урушига айланмади. Халқаро кузатувчилар назорати остида демократик сайловлар ўтказилиб, янги, социалистлар ҳукумати тузилди. Албания тинч ўзгаришлар палласига кирди.

Ўтган йили ўрталарида яна бир мамлакат — узоқ Камбоджада бирлашган ҳукуматнинг икки нуфузли раҳбари — биринчи бош вазир, Роялистлар (Қиролпарастлар) партияси йўлбошчиси шаҳзода Нородом Ранарит ва иккинчи бош вазир, Халқ партияси етакчиси Хун Сен тарафдорлари ўртасида келишмовчиликларни ҳал этишда қурол ишлатилди. Камбоджада пайдо бўлган ушбу учқун фақат ташқаридан аралашмаганлиги туфайли янги урушга айланмади. Жанубий Шарқий Осиё мамлакатлари уюшмаси (АСЕАН) аъзолари мамлакатдаги сиёсий кучларни низони тинч йўл билан ҳал этишга чақириш билан бирга, уларнинг биронтасига моддий ва ҳарбий жиҳатдан кўмаклашишдан ўзларини тийдилар. Натижада, қирол Нородом Сианук томонидан ҳам фаол қўллаб-қувватланмаган роялистлар мағлубиятга учрадилар. Уларнинг раҳбари хорижда паноҳ топди. Мамлакат тинч ҳаётга қайтди.

Ва ниҳоят, 1997 йил кузида, оқибатларини олдиндан айтиш қийин бўлган, жиддий бир хавф, яъни Ироқ билан БМТ ва АҚШ ўртасида рўй берган тангликни сиёсий музокаралар воситасида бартараф этишга муваффақ бўлинди. Бу ақл-идрок ғалабасига жаҳон ҳамжамиятининг қатъий ҳаракатлари, етакчи давлатларнинг минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш масаласида яқдиллиги ҳамда ҳамкорлиги туфайли эришилди.

Хуллас, 1997 йил турли сабабларга кўра келиб чиққан низоларга бой бўлди. Уларнинг айримлари жиловланиб, минг-минг кишилар тинч ҳаёт неъматларидан баҳраманд бўлган бўлсалар-да, жорий йилга мерос бўлиб ўтганлари ҳам оз эмас. Ҳар бир кичик уруш замирида кўплаб ишкал муаммолар ётганлигини эсласак, бутун кучни уларнинг олдини олишга йўналтириш, можаро келиб чиққан тақдирда эса, уни тезроқ бартараф этишга қаратиш зарурлигини инсониятнинг узоқ тарихи, шу жумладан ортда қолган йил тажрибаси ҳам тақозо этмоқда. Иккинчи бир сабоқ шуки, ҳозирги замонда уруш қаерда ва қандай қўламда бўлишлигидан қатъи назар, бутун инсониятнинг тинчлигига таҳдид этади, унга беқиёс зиён келтиради. Шу боис, урушларнинг олдини олиш, низоларни бартараф этиш — умумбашарий вазифа, бу ишдан четда туриш эса, гуноҳи азимдир.

Собир ҚУРБОНОВ,
сиёсий шарҳловчи.

O'ZBEKISTON OVOZI

Vatanni sevmak iymondandur!

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 13 yanvar, seshanba № 5 (22.242).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

«МЕҲРОБДАН ЧАЁН»НИНГ ЯНГИ ТАЛҚИНИ

Мумтоз ўзбек адиби, Туркистон романчилик мактабининг асосчиси Абдулла Қодирийнинг машҳур «Меҳробдан чаён» романи яратилганига шу йил февраль ойида 70 йил тўлади. Ўзбекистон телевидениесининг бир гуруҳ ижодий ходимлари бу қутлуғ санани ўзига хос тарзда кутиб олишга тайёргарлик кўришмоқда. Айни кунларда «Ўзбектелефильм» студиясида суратга олинган кўп қисмли «Меҳробдан чаён» телесериалининг пайванд (монтаж) ишлари ниҳоясига етмоқда.

Жамоатчи мухбиримиз студияда бўлиб, қизғин ижодий жараённи яқиндан кузатди, фильм ижодкорлари билан суҳбатлашди.

— Абдулла Қодирий ижоди мени бир умр ўзига мафтун этиб келади, — дейди фильм режиссёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Маҳкам Муҳамедов. — Унинг асарларини ўзбек турмушининг мукаммал ва гўзал бадиий қомуси деб аташ мумкин. Шу сабабли мен бундан тўққиз йил муқаддам улуғ адибимизнинг қаҳрамонлик ҳаёт йўли ҳақида ҳикоя қилувчи «Мозийдан бир саҳифа» деган икки қисмли видеофильмни суратга олган эдим. Ёзувчи Хайриддин Султон сценарийси асосида ишланган бу асар, шукурки, телетомошабинлар томонидан қизиқиш билан қарши олинди, бир неча бор «ойнаи жаҳон» орқали намойиш этилди. Орадан йиллар ўтса-да, Қодирий асарларининг жозибаси ҳамон мени ўзига мафтун этиб келарди. Ниҳоят, 1995 йили кўпдан ўйлаб юрган ижодий ниятим — «Меҳробдан чаён» асосида кўп қисмли телесериални суратга олиш ҳаракатига тушдим. Телевидение раҳбарияти бу ижодий лойиҳани қўллаб-қувватлади. Хайриддин Султон романнинг бутун нафосатини тўла ифода этган сценарий ёзиб берди.

Маълумки, «Меҳробдан чаён» ўз вақтида раҳматли режиссёримиз Йўлдош Аъзамов томонидан «Зулматни тарк этиб» деган ном билан экранлаштирилган эди. Албатта, бу фильмнинг ўзига яраша фазилатлари мавжуд. Аммо ўша давр талаблари, қолаверса, фильмнинг бир серияли ҳажми Қодирийнинг бадиий муддаосини тўла акс эттириш имконини бермаган. Шу боис бугунги рукнда бу асарнинг янги талқинини яратишга зарурат туғилди.

Асосий муаммо — бош қаҳрамонларга, хусусан, Анвар ва Раъно ролига муносиб ижрочилар топишдан иборат эди. Чунки суврати ва сийрати бирдек гўзал бўлган бу инсонларни бадиий йўсинда бор жозибаси, мафтункорлиги билан акс эттириш, албатта, осон иш эмас. Шунинг учун биз бош ролларнинг ижрочилари учун махсус танлов эълон қилдик. Тошкент, Фарғона, Андижон, Қўқон, Сирдарё театрларини, кўпдан-кўп институтлар, билим юртлари, мактабларни бориб кўрдик. Видеосиновлар ўтказдик, сценарий муаллифи билан Фарғона водийсига қайта-қайта бордик. Қисқаси, қидиришдан, ижодий изланишдан эринмадик. Худога шукурки, меҳнатларимиз зое кетмади. Шу ижодий жараён давомида мен юртимиз ранг-баранг истеъдодларга нақадар бой эканига яна бир карра ишонч ҳосил қилдим.

Фильмда катта-кичик роллар бўлиб, жами юздан зиёд актёр суратга тушган. Уларнинг аксарият кўпчилигини чекка вилоят театрларининг, ҳатто бадиий ҳаваскорлик тўгаракларининг артистлари, баъзан эса актёрликка алоқаси бўлмаган оддий кишилар ташкил этади. Энг муҳими, бу ижодкорларнинг барчаси Абдулла Қодирий даҳосига чексиз эҳтиром билан муносабатда бўлиб ёндошдиларки, бу ҳол пировард натижада ишимизда ўз ижобий самарасини берди.

Энди асосий ролларнинг ижрочилари билан таништириб ўтсам. Анвар ролини Фарғона Давлат университети филология факультетининг талабаси Исломбек Маннопов ижро этди. Вақтнинг тез ўтишини қарангки, биз иш бошлаган вақтимизда, Исломбек талаба эди, фильм съёмкаси тугагунча университетни тугатиб, Фарғона шаҳридаги лицейда домлалик қила бошлади. У ниҳоятда одобли, тиришқоқ, эътиқоди пок, ўқимишли йигит, энг муҳими, Қодирий ижодининг оташин мухлисидир. Албатта, дастлаб унга бу ролни ўйнаш осон бўлмади. Чунки бутун Ўзбекистонга машҳур, донгдор халқ артистлари билан ёнма-ён туриб роль ижро этишнинг ўзи бўлмайди. Аммо, мен мамнуният билан айтишим лозимки, Исломбек ўзига билдирилган ишончни улкан масъулият билан адо этди.

Раъно ролини Маннон Уйғур номидаги Санъат институтининг талабаси Дилдора Рустамова ижро этди. Дилдора ҳали ниҳоятда ёш, эндигина 2-курсда ўқимоқда. Аммо у табиий жозибаси, ички бир самимияти билан томошабинни ўзига мафтун эта олади, деб ўйлайман.

Телесериалда, шунингдек, атоқли актёрлар Муҳаммаджон Абдуқундузов (Султонали), Мамасоли Юсупов (Солиҳ махдум), Раъно Ярашева (Нигоройим), Фарҳод Аминов (Шаҳодат муфти), Азиза Аминова (Моҳлар ойим) ва бошқалар ҳам қатнашдилар.

Фильмни таниқли оператор Рафаил Камолов суратга олган. Бастакор Фарҳод Олимов фильм руҳига монанд музика ёзиб, асар мазмунини янада чуқурлаштириш, таъсирчанлигини оширишга ҳисса қўшди.

Умуман, мен ижодий гуруҳимизнинг барча аъзоларидан миннатдорман. Иншоолло, уч йиллик машаққатли ижодий меҳнатимиз самараси тез кунларда зукко ва талабчан томошабин ҳукмига ҳавола этилади. Шу боис, очиғи, ҳаяжондаман.

Сўзимнинг охирида фильмни суратга олишда бизга яқиндан ёрдам берган Фарғона вилоят ва Қўқон шаҳар ҳокимликларига, Қўқондаги бир қанча ҳомий ташкилотларга, ташаккур айтамиз. Хусусан, Қўқон Ўлкашунослик музейи ва Ҳамза уй-музейи ходимларига, шаҳар маданият бошқармасининг бошлиғи Ёрқин ака Қаюмовга алоҳида миннатдорчилик билдиришга бурчлимиз.

С. ХЎЖАЕВ.

ЯНА ЧЕМПИОН БЎЛДИ

Спорт

Машҳур шахматчи, бир неча бор жаҳон чемпиони Анатолий Карпов билан Ҳиндистон ўғлони, иқтидорли дона суриш устаси Вишванатан Ананд ўртасидаги қизғин баҳс якунланди. Мухлислар бу сафар жаҳон чемпиони номи Ҳиндистонга ўтса керак, деган фикрга борган эдилар. Умуман Ананд ажойиб юришлар қилиб, жаҳон чемпиони бўлишига бир баҳя қолди. Боиси, 6 партиядан кейин ҳисоб тенглашди — 3:3. Низомга кўра қўшимча баҳс белгиланди. Карповнинг омади келиб, яна бир бор чемпион номига сазовор бўлди.

ЮРТИМ ЮЛДУЗЛАРИ

Ўтган йили барча соҳалар каби спортда ҳам самарали кечди. Спортчиларимиз халқаро мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилдилар. Анъанага кўра «Йилнинг энг яхши спортчилари» аниқланди. Бокс бўйича Руслан Чагаев билан Артур Григоряннинг чиқишларидан мухлислар мамнун бўлишган эди. Моҳир дарвозабон Павел Бугало ҳам футболимиз шарафини ҳимоя қила олди. Велопойгачи Фотима Галиулина жаҳон чемпионатининг совриндори бўлди. Баҳодир Давлатёров эшкак эшишда маҳорат кўрсатди. Эрали Маҳмарасулов билан Олимбек Файзуллаев бухороча ва фарғонача кураш усталари эркинликларини намойиш этишди. Рамил Исломов эса эркин кураш бўйича жаҳон биринчилигининг кумуш медалини олди. Владислав Нам таэквандо устаси эканини жаҳон чемпионатида намойиш этди. Рамил Ғаниев умидли енгил атлетикачилардан. Акобир Қурбонов самбо бўйича жаҳон кубогининг соҳибидир. Халқаро гроссмейстер Рустам Қосимжонов билан мухлислар фахрланадилар. Олмос Юсупов кикбоксинг бўйича жаҳон чемпиони бўлган бўлса, дзюдочи Фарҳод Тўраев Осиё чемпионатининг совриндоридир. Батутда сакраш бўйича Елена Савельеванинг олдига ҳеч ким тушолмади. Дилшод Орипов юнон-рум беллашувида моҳир саналади. Диёр Пўлатов муай-тай бўйича жаҳон биринчилигининг совриндори бўлди. Ўйлаймизки, янги йилда юлдузлар сафи янада кенгаяди.

Таътил ҳам якунланди. Яна жонажон мактаб сари.
Ўктам ШАРИПОВ олган сурат.

«ВАТАН ПОСБОНЛАРИ» ЎЙЛАНМАСИ

Азиз муштарийлар! Қуйида таърифланган сўзларни топиб, шаклдаги рақамли хонадан ёй бўйича марказ томон ёзиш билан машқни ҳал этинг.



1. Фашизмга қарши уруш қатнашчиси, биринчи ўзбек генерали, қаҳрамон. 2. Иброҳим Раҳим романи. 3. Шуҳратнинг «Олтин занглама» романи қаҳрамони. 4. Ҳарбий кучлар тури. 5. Отиш қуроли тури. 6. Қабул қилувчи ва эшиттирувчи кўчма қурилма. 7. Фикр-мулоҳазани тасдиқловчи воқеа, исбот. 8. Кичик калибрли тезотар қурол. 9. Ғафур Ғуломнинг фашизмга қарши уруш йилларида ёзган шеъри. 10. Осмондаги нишонларни ўққа тутиш қуроли. 11. Снаряд ва ўқлар тайёрлаш учун ишлатиладиган портловчи модда. 12. Амир Темур қўшинида бирон қисм (марказ, қанот) олдида турувчи ҳарбий бўлинма. 13. Портловчи қурол отиладиган қурилма. 14. Автомобилни ҳаракатга келтирувчи қисм. 15 Амир Темур ўгитидан: «Мерган овда билинар... — ёвда». 16. Қаттиқ жисмни улоқтирувчи қадимий аскар. 17. Қадимий қўшинда хабарчи қисм. 18. Жангда ғалаба қозонган киши. 19. Қадимий қўшинда идора этувчи бошлиқ. 20. Фашизмга қарши жангда ўзини душман танки остига ташлаб, жасорат кўрсатган қаҳрамон, андижонлик аскар. 21. Қаттиқ бардош, чидам. 22. Қадимий тиғли қурол. 23. Муҳим ва шошилинч хабарни етказиш учун юборилган сувори. 24. Фарғоналик қаҳрамон жангчи. 25. Маъмурий, ҳудудий бўлинма. 26. Спорт тури. 27. Марказий Осиё халқларига мансуб жангнома мавзуидаги, ватанпарварлик тимсоли бўлган қадимий афсоналардан бири. 28. Ўзбекистон Республикасининг олий нишонларидан бири.

МУАММОНОМА

Таърифлари берилган қуйидаги сўзларни топинг

1. Энг улуғ зот.
2. Азиз диёр, ватан сўзлари маънодоши.
3. Рангли қимматбаҳо нодир маъдан.
4. Мамлакатимизда кичкинтойларни парвариш қилишда қадимдан фойдаланиб келинган мослама, жиҳоз.

Энди жавоб сўзларини кетма-кет ўқисангиз ватанпарварлик ҳақидаги шарқ халқ ҳикматларидан бири аён бўлади.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ.

«ЯНГИ ЙИЛ» ЎЙЛАНМАСИ ЖАВОБЛАРИ:

1. Йўлбарс. 2. «Спорт». 3. Тонг. 4. Гринвич. 5. «Чертмак». 6. Кўкдумалоқ. 7. Қамчиқ. 8. Қосимжонов. 9. Венгрия. 10. Янгийўл. 11. «Лазги». 12. Ирисметов. 13. Вақт. 14. Тақвим. 15. Мўғулистон. 16. «Наштар». 17. Румий. 18. Йилнома. 19. Адан. 20. Нақшбанд. 21. «Дўстлик». 22. Киев. 23. Ватан. 24. Насиб. 25. Бобур. 26. Риёзат. 27. Токио. 28. Оила. 29. Ақраб. 30. «Боинг». 31. Ганг. 32. Герб. 33. Беруний.

ЭСЛАТМА: жавобларни тўғри топган мухлисларнинг суратлари газетада ёритиб борилади.

ҲАММА АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги)дан рўйхатдан ўтган, Низом жамғармаси 100 млн. сўмгача бўлган акционерлик жамиятлари қимматли қоғозлар чиқариш якуни бўйича 1ЦБ шаклидаги ҳисоботни ва қимматли қоғозлар бўйича 2ЦБ шаклидаги йиллик ҳисоботларни 1998 йил 1 январдан бошлаб Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Марказининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлимига топширишлари лозим.

Манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 13 уй.
Маълумот учун телефон: 144-59-53.
Давлат мулк қўмитасининг Тошкент шаҳар Бошқармаси қошидаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш бўлими.

«УЛУҒБЕК-ПРЕЦИЗИОН» ҚЎШМА КОРХОНАСИ буюртмачилардан ушбу эълон чоп этилганидан сўнг 30 кун ичида ўз ремфондларини номенклатура бўйича солиштириб кетишларини сўрайди. Муҳлат тугагандан сўнг эътирозлар қабул қилинмайди.
Тел: 90-30-37.

ТАШКИЛОТ
1996 йилда ишлаб чиқарилган **«Газел» автомашинасини** ва **ПОЛИПРОПИЛЕН қопларини СОТАДИ**
Ҳақ тўлаш шакли — турлича.
Тел: (3712) 41-87-73.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги суд-тиббий экспертиза Бош бюроси жамоаси тиббиёт фанлари доктори, профессор **Фозил Жўраевич ТЎЛАГАНОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила-аъзоларига ва қариндошларига чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ — (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-11-49, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс— 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Т. ЭШБЕК, навбатчи Х. АБДУЛЛАЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
Газета офсет усулида, А—2 форматида, 32021 нусхада босилди
Ҳажми 2 босма табоқ
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳririят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 0887

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.30.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА